

**ЎҚИТУВЧИЛАР ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ КАСБИЙ  
РИВОЖЛАНТИРИШДА РЕФЛЕКСИЯНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Халиков Аъзам Абдусаломович**

Низомий номидаги ТДПУ профессори

педагогика фанлари доктори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7361536>

**Аннотация.** Мазкур мақолада касбий рефлексияни ўқитувчи педагогик фаолиятининг таркибий қисми ва унинг педагогик маҳоратини ривожлантириши асослари сифатида қаралиши, касбий педагогик фаолиятни ўқитувчининг рефлексив позицияси нуқтаи назаридан ёндашиб таъхислаш ва таҳлил қилиши асосида янада такомиллаштиришининг аҳамияти кўрсатиб берилган.

**Калим сўзлар:** рефлексия, таъхис, педагогик диагностика, инновацион тафаккур, касбий рефлексия, коррекциялаш, рефлексив позиция, профессиограмма, аналитик қобилиятлар.

**Аннотация.** В настоящей статье показано рассмотрение профессиональной рефлексии как составляющей педагогической деятельности учителя и основы развития его педагогического мастерства, значение дальнейшего совершенствования профессиональной педагогической деятельности на основе диагностики и анализа с точки зрения рефлексивных позиций учителя.

**Ключевые слова:** рефлексия, диагностика, педагогическая диагностика, профессиональная рефлексия, интериоризация, коррекция, рефлексивная позиция, аналитические способности.

**Abstract.** This article highlights the importance of professional reflexion as a component of the pedagogical activity of the teacher and the basis for the development of his pedagogical skills, the importance of further improvement of professional pedagogical activity in the light of the teacher's reflexive viewpoint and analysis.

**Key words:** reflection, diagnosis, pedagogical diagnostics, professional refinement, innovational mind, correction, reflexive position, profессиограмма, analytical skills.

Сўнгги йилларда педагог ва психолог олимлар ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятида фикрлаш ҳамда аналитик қобилиятларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидламоқдалар. Бу қобилиятлар асосини ўқитувчининг касбий рефлексияси ташкил этади.

Рефлексия (лот. “reflexio” - орқага қайтиш) – “хар томонлама баркамол ривожланган инсоннинг ўз хатти – ҳаракатлари ва уларнинг қонуниятларни англашга қаратилган назарий фаолият шаклидир; инсон маънавий дунёсининг ўзига хос яширин хислатларини очиб берадиган ўз-ўзини билишга ва англашга қаратилган фаолиятдир”.

Илк бор рефлексия тушунчаси қадимги Юнон фалсафасида юзага келган ва инсоннинг ўз онгида кечаётган мулоҳазалари ҳақида, ўзи фикр юритиши жараёни, ўз фикрлари мазмунини таҳлил қилишга эътиборини жалб қилишни англаган (Декарт). Сократ, Платон, Локк ва бошқа Юнон файласуфлари рефлексияни инсоннинг ўз-ўзини билишга, нималарга қодир эканлигини эътироф этишга қаратилган фаолияти эканлигини таъкидлашади. Кант, Гегел, Фихте, Шеллинг каби европа файласуфлари эса рефлексияга инсоннинг билиш қобилиятларини ривожлантириш асоси сифатида қарашганлар.

Лейбниц концепциясига мувофиқ рефлексия инсоннинг апперцепцияга (идрокнинг инсон ўтмишидаги тажрибасига ва индивидуал хусусиятларига боғлиқлиги) кодирлик хусусияти сифатида тилга олинади.

Ҳозирги кунда фалсафий категория сифатида ўрганилаётган *рефлексия* психология, социология, синергетика, мантик, андрология, эвристика («излайман», «яратаман» юнонча), кибернетика ва бошқа кўплаб мураккаб фанларнинг тадқиқот объекти сифатида эътироф этилиб тадқиқ қилинмоқда. Фалсафий муаммо сифатида рефлексия, одатда, қуйидагича талқин қилинади: 1) онг ва тафаккурнинг ўзига мурожаат қилиш қобилияти; 2) янги билимлар олиш мақсадида билим таҳлили; 3) ақл ва руҳ ҳолати устидан ички назорат; 4) ўзини намоён этиш асосларига йўналтирилган тадқиқий ҳаракат. 17 асда инглиз файласуфи Жон Локк (1632-1704) “рефлексия” тушунчасини илк бор қўллаб, бунда янги ғоялар пайдо бўлиши ва тўпланиши содир бўладиган жараёни (худди тажриба каби) назарда тутди. Рефлексия – бу билиш манбаларидан бири, фикрнинг ўзи эса билиш предметига айланади, яъни, фикр рефлексия учун объективлаштирилади. Объективация рефлексив механизмларнинг муҳим унсури (рефлексив жараён босқичи) сифатида намоён бўлади.

*Рефлексиянинг методологик моҳиятини* тадқиқ қилган муаллифлар уни фаолият контекстида кўриб чиқиб қуйидаги жиҳатларини муҳим санашди: 1) рефлексия фаолиятдаги жараён ва махсус тузилма сифатида; 2) рефлексия фаолият схемаларини амалга ошириш тамойили сифатида. Бунда фаолият тавсифи рефлексив ҳаракатлар ва операцияларни ажратиш кўрсатишга, шунингдек, уларни амалиётга татбиқ этишнинг восита ва техникаларини (воситалардан фойдаланиш усуллари) тузишга имкон беради.

Бунда рефлексия, Г.П.Щедровицкийнинг фикрича, “гўёки тўхтаб қолади, ҳаётнинг ушбу узлуксиз жараёнини узиб қўяди ва одамни ҳаёлан унинг чегарасидан ташқарига олиб чиқади... Бу ерда онг ҳаётга тегишли муносабатни шакллантириш, унинг устидан ҳукмрон позицияни эгаллаш учун бевосита ҳаёт жараёни гирдобидан чиқиш сифатида, ажралиш сифатида намоён бўлади.

*“Рефлексия – бу инсоннинг узлуксиз ҳаёт жараёнини гўё бир дақиқага тўхтатиб, узиб қўяди ва инсонни ҳаёлан унинг сарҳадларидан олиб чиқиб кетади, шу вазиятда инсоннинг ҳар бир ҳаракати ҳаёт ҳақидаги фалсафий фикр мулоҳазалари муайян бир характер касб этади”.*

Ҳозирги кунда таълим муассасалари педагогик жамоаларининг рефлексив характердаги фаолиятни амалга оширишлари натижасида эришаётган муваффақиятлари, рефлексиянинг муҳим таълим ва тарбия мезонларидан бирига айланаётганидан далолат бермоқда. Педагогик жамоада тўкнаш келаётган муаммолар тобора жиддий тус олаётган ҳозирги шароитда, уларнинг ечимига холисона ва ижодий ёндашиб баҳо бериш учун турли метод ва воситаларга мурожаат этиш талаб қилинади.

Рефлексияни амалга оширар экан, ўқитувчи ўқувчиларга унинг таъсири қанчалик изчил, мақсадга йўналтирилган ва самарали эканини аниқлайди, кўзланган натижага қай даражада эришилганини баҳолайди.

Ҳозирги пайтда бўлажак ўқитувчи нафақат таълимнинг муносиб метод ва воситаларини танлаши, балки уларни тобора ривожланиб бораётган компьютер ва ахборот коммуникация технологиялари шароитида янада такомиллаштириши, ўз билими ва педагогик маҳорати натижасида янгилаб бориши зарур. Агар ўқитувчи тегишли

тайёргарликка эга бўлиб, ўз фаолиятига нисбатан рефлексиянинг усул ва воситаларини ўзлаштирган бўлса, фаолият тавсифидан унга танқидий ёндашувга ўтиш воситаларини билса, шунингдек, ўзи ишлаб чиққан методни, мавжуд бўлган методлар билан таққослай олсагина, буни амалга ошириш мумкин.

*Педагогик рефлексия* бўлиб ўтадиган ўзаро муносабатда педагогик жараён қатнашчиларининг бир-бирларини баҳолашлари, дунёқарашларининг ўзаро мос келиши, ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг ички оламини, таълим-тарбиявий жараёнда уларнинг ривожланиш ҳолатини башорат этишидир.

*Педагогик жараёнда рефлексия* – юзага келадиган педагогик вазиятда ўзаро муносабатни ташкил этувчи субъектлар – ўқувчилар, ота-оналар, ўқитувчилар, педагогик жараён қатнашчилари, педагогик вазиятни ташкил этувчиларни ривожлантириш шартлари, муҳит, педагогик фаолият мазмуни, педагогик технологиялар ва бошқаларга ўзларини мувофиқлаштириш жараёнидир [1].

Педагогик рефлексияни амалга ошириш моҳияти ва жараёнини тушуниш унинг тузилишини ойдинлаштириб олишга имкон беради. Педагогик рефлексия тузилмасини кўриб чиқишда педагогик жараён тузилиши, педагогик ўзаро муносабатлашувни ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Педагогик жараён ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятида ўзаро фикр алмашишни тақозо этишини инобатга олган ҳолда, рефлексия тузилмасида куйидаги унсурларни ажратиб кўрсатиш ўринли бўлади:

- ўқувчи фаолиятида педагогик рефлексия;
- ўқитувчи касбий фаолиятида педагогик рефлексия;
- ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро муносабатларда педагогик рефлексия;
- ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолиятларида педагогик рефлексия;
- педагогик фаолиятда ўқувчиларнинг ўз-ўзини англаш рефлексияси;
- юзага келган ўзаро педагогик зиддиятларда ўқувчилар рефлексияси.

Педагогик жараён ўқитувчи томонидан ўқувчиларни ривожлантириш учун муносиб шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида ташкил қилинади ва амалга оширилади. Бу педагогик жараёнда рефлексиянинг барча унсурлари тарбияланувчи фаолиятидаги рефлексиялар билан боғлиқ эканлигини англатади. Бу ҳолат бўлажак ўқитувчи фаолиятига доир рефлексиялар ва ўзаро муносабатлашув рефлексиялари ҳамиша мақсадга муносиб бўлишини шарт қилиб қўяди.

Ҳозирги замонавий педагогик илмий-тадқиқот ишларида кўплаб олимлар рефлексиянинг С.Ю.Степанов ва И.Н.Семёнов томонидан тақлиф қилинган таснифига таянадилар. У рефлексиянинг куйидаги турларини ва уларнинг илмий тадқиқ этиш соҳаларини ажратиб кўрсатади:

**И.Н.СЕМЁНОВ      ТОМОНИДАН      ИШЛАБ      ЧИҚИЛГАН**  
**РЕФЛЕКСИЯ ТУРЛАРИ.**

**1. Интеллектуал рефлексия:** Муаммоларни фикрлаш асосида ижобий ҳал қилиш. объект ва у билан муносабат усуллари ҳақидаги билимлар ҳисобланади. Ҳозирги вақтда мазкур йўналишдаги ишлар психологияда рефлексия муаммоларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларнинг умумий ҳажмида яққол устуворлик қилади. Интеллектуал рефлексия ахборотларни қайта ишлашнинг когнитив жараёнларини ташкил қилиш ҳамда ўхшаш масалаларни ечиш бўйича таълим воситаларини ишлаб чиқиш муаммоларига боғлиқ равишда асосан педагогик ва муҳандислик психологиясида кўриб чиқилади.

**2. Шахсий рефлексия:** Ўқитувчининг низоли (конфликтлар) педагогик зиддиятлардан жанжалсиз чиқишни фикран изланиш асосида бартараф қилиш. Субъектнинг шахсий ҳатти-ҳаракатларини, индивид сифатида хусусий “Мен”ини яратишни, ўз образларини намоён этишни тадқиқ қилади. Шахснинг ўзини англаши ва субъектдаги Мен образининг тузилиш механизмлари ривожланиши, инқирози ва коррекциясига доир муаммоларга боғлиқ равишда умумий ва патопсихологик томондан таҳлил қилинади. Шахсий рефлексия субъектнинг шахсий ҳатти-ҳаракатларини, индивид сифатида хусусий Мен образларини тадқиқ қилади. Шахснинг ўзини англаши ва субъектдаги “Мен” образининг тузилиш механизмлари ривожланиши, инқирози ва коррекциясига доир муаммоларга боғлиқ равишда умумий ва патопсихологияда таҳлил қилинади. С.Ю.Степанов ва И.Н.Семенов шахсий рефлексияни амалга оширишнинг бир нечта босқичларини ажратиб кўрсатади: муаммоли-зиддиятли вазиятларда ўз-ўзини намоён этиш; қайта англаш жараёни; субъектнинг ўзига ва шахсий “Мен”ига муносабатининг ўзгариши; субъектнинг ўз билим ва кўникмаларига нисбатан муносабати.

**3. Коммуникатив рефлексия:** Мулоқот жараёнида шерикларнинг ўзаро бир-бирларини тушуниб муносабатга киришиши. Ўзаро мулоқотда ижтимоий перцептив ва эмпатия муаммоларига боғлиқ равишда педагогик ва муҳандислик-психологик соҳаларга доир тадқиқотларда кўриб чиқилади. У ривожланган мулоқот ва шахслараро идрокнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатида намоён бўлади. А.А.Бодалев инсон томонидан инсонни англашнинг ўзига хос хусусияти дея тавсифлайди. Рефлексиянинг коммуникатив жиҳати билиш, тартибга солиш ва ривожлантириш каби қатор функцияларга эга. Ушбу функциялар берилган вазият учун янада мувофиқ бошқа субъект ҳақида тасаввурлар алмашинувида ифодаланади, улар мулоқотнинг бошқа субъекти ҳақида тасаввурлар билан уни қайта очиб берувчи индивидуал психологик хусусиятлар ўртасида зиддиятлар юзага келганда долзарблашади.

**4. Кооператив рефлексия:** Жамоа аъзоларининг биргаликдаги ўзаро мунтазам меҳнат фаолиятларини мувофиқлаштириш билан боғлиқ бўлган фаолият. Мазкур турдаги рефлексияга хос психологик билимлар, хусусан, жамоавий фаолиятни ва фаолият субъектларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари кооперациясини лойиҳалаштиришни таъминлайди. Бунда рефлексия субъектни фаолият жараёнидан “озод қилиш” сифатида, биргаликдаги фаолият шароитида ўзаро тушуниш, ҳамжиҳатлик ва мувофиқликни таъминлаш мақсадида субъектнинг аввалги – аллақачон бажарилган фаолиятига нисбатан ҳам, бўлғуси – лойиҳалаштирилаётган фаолиятига нисбатан ҳам янги позиция ҳисобланувчи ташқи позицияга “чиқиш”ини англатади. Бундай ёндашувда ушбу механизм намоён бўлишининг процессуал жиҳатларига эмас, балки рефлексив натижаларига эътибор қаратилади.

Ўқитувчининг касбий педагогик фаолиятида рефлексия жараёнини ўрганиб, кўплаб олимлар унинг коммуникатив ҳамда кооператив турларини устун қўядилар, айнан ушбу усуллар ўқитувчининг педагогик фаолиятида ва ўқувчилар билан мулоқотида кўпроқ намоён бўлади, деб ҳисоблайдилар (В.А.Кривошеев, Г.П.Шchedровицкий ва бошқалар). Бироқ, бизнингча, педагогик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари хилма хил бўлганлиги сабабли рефлексиянинг ҳар бир турини алоҳида ўрганиб таҳлил қилиш мумкин эмас, зеро улар маъно жиҳатидан бир – бирлари билан ўзаро боғлиқ.

Рефлексив қобилиятларни ўқитувчи педагогик фаолиятининг зарур таркибий қисми сифатида ҳисоблаган қатор муаллифлар (А.А.Бизязева, В.В.Ветрова, Е.Н.Пехота, И.А.Стеценко, И.Г.Татур, А.В.Христева ва бошқалар) уларни бўлажак ўқитувчиларнинг педагогика олий таълим муассасаларида ўқиши давридаёқ шакллантириш зарурлиги ҳақидаги ғояларни илгари сурадилар. Рефлексив қобилият ўқитувчига педагогик билимларни ўзлаштириш ва амалиётда ундан фойдаланиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга. “Бу ҳолда, - деб ёзади Ю.Н.Кулюткин, - ўқитувчи ўзининг педагогик маҳоратидан фойдаланиб амалий қарорларни ишлаб чиқиши ва қабул қилиши жараёнларини рефлексия предметида айлантириши лозим. Бунинг учун эса ўқитувчида бу жараёнларни таҳлил қилишининг тегишли тафаккур усуллари шакланган бўлиши керак”.

*Педагогик рефлексиянинг биринчи шarti, ривожлантиришининг дастлабки фаолияти ҳисобланади.* Фаолиятнинг педагогик тузилмасини ишлаб чиқиб, унда қуйидаги унсурларни ажратади: мақсад, мотивлар, мазмун, моддий таъсир, кўникмалар, натижа.

*Педагогик рефлексияни ривожлантиришининг иккинчи педагогик шarti рефлексив муҳит мавжудлиги ҳисобланади.* Рефлексив муҳит – бу шахс олдида ижтимоий-психологик ва касбий ресурсларни мустақил тадқиқ қилиш ва ўзига тузатишлар кириб бориш имкониятини очувчи шахсни ривожлантириш шартларининг муайян бир тизимидир.

*Педагогик рефлексияни ривожлантиришининг учинчи педагогик шarti рефлексив фаолият қатнашчилари ўртасида субъектлараро муносабатларни фаоллаштириши саналади.*

*Педагогик рефлексияни ривожлантиришининг тўртинчи шarti педагогик рефлексиянинг долзарблиги ҳисобланади.*

Ўқитувчи рефлексив фаоллаштиришда – ўз касбий позициясини қайта кўриб чиқишга эҳтиёжни долзарблаштириб таҳлил қилишидир. Бундай долзарблаштириш шуни тақозо этадики, рефлексия туфайли ўқитувчи фақатгина касбга ўралашиб қолмай, ўз касбига бошқа инсон нуқтаи назаридан ҳам қарай олади, унга мутаносиб муносабатни шакллантиради.

#### REFERENCES

1. Кулюткин Ю.Н. Рефлексивная регуляция мыслительных действий. //Под ред. О.К.Тихомирова. – М.: МГУ, - 1989.- С. 22-28
2. Семёнов И.Н. Развитие рефлексивно-критического мышления как компонента экзистенциально-ориентированного образования//Духовность и рефлексивность в становлении профессионала: Материалы межд.науч-практ. семинара: – М.: 1997.- С.27-32.
3. Татур И.Г. Становление педагогического мастерства будущего учителя в процессе развития его рефлексивной позиции: Дис. канд. пед. наук.- Одесса. 1989.- 137 с.
4. Шедровицкий Г.П. Коммуникация, деятельность, рефлексия//Исследование речемыслительной деятельн.–Алма-Ата, 1974.– С.12-28.